

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**“ХУКУКШУНОСЛИК” ВА “УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ”
фанидан**

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2007

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

“ХУКУКШУНОСЛИК”

фанидан

1-Мавзу. Давлат ва ҳуқуқ ҳақида асосий тушунчалар.

ТОШКЕНТ – 2007

Анатация.

Инсон ва жамият, шахс ва давлат ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни очиб бериш, давлатни халқ олдидаги мажбуриятларини ўргатиш. Демократик ҳуқуқий давлат барпо килиш, ривожлантириш, адолатли фукаролик жамиятини шакллантириш фукароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини устириш. Хар биримиз ҳаётимизда, мамлакат тақдирида муҳим ва кескин узғаришлар юз берди. Узлигимизни англаб, юртимиз ва шахсий ҳаётимизда содир бўлаётган янгилашни жараёнларини ҳаққоний таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Шундай экан, асосий мақсадимиз бўлмиш демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва ривожлантиришда ёшларга ҳуқуқий демократик давлат тизими ва моҳиятини чуқурроқ урганиш, қонунларни билиш, уларга риоя этишни таъминлашда ҳуқуқий мактаб асосий уринни эгаллайди.

Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида ижтимоий ҳам ички, ташқи муносабатлари бошқариш йўлига ўтганидан бўён одамлаининг шу тарзда ташкил топган уюшмасининг мазмун моҳияти ҳақидаги маълумотни талабаларга етказиш.

Инсон ва жамият, шахс ва давлат ўртасидан ҳуқуқий муносабатларни очиб бериш. Давлатнинг халқ олдидаги мажбуриятларини ўргатиш.

Ҳуқуқ-тартибот қонун-қоидалари ҳақида талабаларда қуникма ҳосил қилиш.

Талабаларга давлатни қелиб чиқиш назарияси тўғрисида маълумот бериш.

Давлатнинг функциялари давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш имконини берадиган, унинг фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумот бериш.

Ҳуқуқ, унинг белгилари ва вазифалари. Ахлоқ ва ҳуқуқ. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура. Ҳуқуқ тизими, ҳуқуқ тармоқлари. Ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тугрисида маълумот бериш.

1-Мавзу. Давлат ва ҳуқуқ ҳақида асосий тушунчалар.

Режа:

- 1.1. Давлат ва ҳуқуқ асосларида давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар.**
- 1.2. Давлат тушунчаси ва унинг белгилари.**
- 1.3. Давлат шакллари, функциялари.**
- 1.4. Ҳуқуқ, унинг белгилари ва вазифалари.**
- 1.5. Ҳуқуқий давлат тушунчаси, унинг белгилари.**
- 1.6. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми.**

1.1. Давлат ва ҳуқуқ асосларида давлатнинг келиб чиқишига доир назариялар.

Давлат ва ҳуқуқ асослари фани назарий ва методологик фандир. Бу фан давлат ва ҳуқуқнинг умумий қонуниятларини назарий жиҳатдан умумлаштиради, юриспруденциянинг асосий тушунчаларини ва методларини ишлаб чиқади. Бу фан барча ижтимоий ва юридик фанлар билан ҳамма вақт боғлиқ. Давлат ва ҳуқуқ масаласини фақат юридик фанлар урганибгина қолмасдан, балки барча ижтимоий фанлар ҳам урганади. Чунки кишилар, фаолиятининг турли соҳалари ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Хар қандай фан уз предметиға ва уни эгаллаш услубига эға бўлганидек, давлат ва ҳуқуқ назариясининг ҳам уз предмети мавжуд. Бу фаннинг предмети давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳаракатда бўлишининг энг умумий қонуниятларидан иборат. Давлат җамият ривожининг муайян босқичида юзага келган. У узининг шаклланишида ва ривожланишида узок ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Җамият ривожининг дастлабки босқичларида давлат етарлича ривожланмаган сиёсий ҳодиса бўлган. Бундай давлат, зўрлик ва мажбурлашға асосланган.

Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши тугрисидаги масала қўп асрлар давомида қўлаб мутафаккир файласуфлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва тарихчиларни ўйлантириб келган. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишида ундан ортиқ назариялар бор. Шуларнинг айримларини қўриб чиқамиз.

1. Теологик назария – бунда давлатнинг ҳудў томонидан яратилганлигини ўқтирадилар давлат ва ҳокимият ҳудўники деган қонидани илғари сурадилар. Масалан: Абдулқодир Ўда ёзишича, шариат ўч нуқтаи назардан қонундан фаркланади:

Биринчидан, қонун инсон тафакқури ва ижодининг маҳсули бўлса, шариат яратувчи томонидан юборилган. Қонун ҳар доим ўзғариб турса, шариат ўзғариш ва завождан ўзқдир.

Иккинчидан, қонун җамият томонидан унинг ҳаётини тартибға солиш ва эҳтиёжларини қондириш ўчун яратилган бир қатор қондалар сифатида җамият ўзғариши билан ўзғариб туради. Лекин шаърий қонунлар умумий моҳиятға эға бўлгани ўчун ўзғаришни қабул қилмайди.

Ўчинчидан, қонун җамият томонидан унинг урф-одатлари, расму-русумлари ва тарихиға мувофиқ яратилади. Шунинг ўчун қонун җамиятдан

кейин юзага келиб, унинг тараккиётига боглик булади. Конунни жамият яратади, жамиятни конун эмас. Аммо Ислом конунчилиги жамият махсули булмай, жамиятни шариат яратади, яъни жамият шариатнинг махсулидир. Уданинг ушбу хулосаси кенг мунозарали ва бахсли масала хисобланади¹.

Бу назария кадимда пайдо булган ва урта асрларда кенг таркалиб хозирги кунда ҳам теологик назария Ислом давлатларида кулланилади.

2. Патриархал назария тарафдорлари давлат катталашиб кетган оиладан бевосита келиб чиккан, монарх ҳокимияти эса оиланинг барча аъзоларига рахбарлик киладиган отадан мерос булиб утган деб хисоблайдилар. Бу назария Юнонистонда (кадимги Рим давлатида пайдо булган Аристотель асарларида)асослаб берилган.

Бу назарияни инглиз социологи, тарихчиси ва ҳуқуқшуноси Генри Мен системага солиб ишлаб чиккан. Патриархал назарияда «Ота рози – худо рози» зайлида иш тутди.

3. Шартнома назарияси. Бу назария XVII-XVIII асрларда пайдо булган. Голландияда ушбу назарияни Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда – Локк ва Гоббс, Францияда – Руссо, Россияда Радищев ривожлантирган. Шартнома назариясига кура, длат – онгли ижод махсули, одамлар келишган аҳд натижаси. «Шартнома назарияси» га мувофик давлат ҳокимияти кишиларнинг узаро бирлашиб ихтиёрий шартлашганлигининг ифодасидир. Давлат – узаро келишув асосида ва онгли тарзда бирлашган кишилар ташкилоти булиб, ана шу шартнома асосида улар узларининг эркинликлари ва ҳокимиятнинг бир қисмини давлатга берадилар.

4. Зуравонлик (босқинчилик) назарияси (К. Каутский, Л. Гумплович, Ч. Дюринг)га кура, давлатнинг келиб чиқиши асосан зурлик ҳаракати, бир халқнинг бошқа халқни босиб олиши натижасидир.

5. Психология назарияси. Бунда давлат келиб чиқишида, инсонлар уз табиатида, биологик инстинкт хусусиятларига кура бошқарилиш, итоат этишга интилар эмишлар. Улардаги бу эҳтиёж факат давлат мавжуд булган тақдирдагина кондирлармиш.

6. Ирригация назариясига кура, давлатларнинг келиб чиқиши, уларнинг шакллари Шарқда улкан ирригация иншоотларини куриш ва улардан фойдаланиш билан боглик.

7. Синфий назария намояндалари (К. Маркс, Ф. Энгельс, В.И. Ленин) фикрича, давлат иқтисодий сабаблар – ижтимоий меҳнат тақсимоти, кушимча махсулот ва хусусий мулкнинг пайдо булиши, жамиятнинг карама-қарши синфларга ажралиши туфайли келиб чиккан. В.И. Ленин «Давлат ва революция» асарида давлатни синфларни келтириш органи эмас, балки синфий ҳукмронлик органи, бир синфнинг бошқа синфни бостириш курули, бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронликни таъминлаш машинаси деб хисобланган. Бу назариянинг натижасида синфий ҳукмронлик урнатиш мақсадида репрессиялар булиб зиёлиларни йук қилган.

¹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазҳаби ва Урта Осиё фақиҳлари. Т., Тошкент Ислом Университети, 2002, 28 б.

1.2. Давлат тушунчаси ва унинг белгилари.

Давлатчилик тарихида уни кандай тушуниш лозимлигини аниклашни Афлотун ва Арастудан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Улар тасаввурига кура, давлат сиёсий алоқалар воситасида муайян бир тарзда бирлашган ва узаро боғлиқ одамлар жамоасидир.² Инсоннинг узига ухшаган ва озод кишилар устидан ҳукмронлигини урнатувчи ҳокимият³ шу алоқалар асосини ташкил этади, деб ҳисоблардилар.

Маълумки, иктисодиётнинг ривожланиши муайян даражага етиб, ижтимоий неъматларни тенг тақсимлашнинг аввалги тизими яшай олмай қолган ҳамда жамиятнинг бундан кейинги ривожи учун Шарқ жамиятида бўлганидек, сиёсий соҳада ёхуд Оврупадагидек сиёсий ва иктисодий соҳада бошқарув билан шугулланадиган элитар катламни ажратиш заруратга айланганда давлат дунёга келди. Бу-жамиятни табақалашига олиб келди ва шунда дастлаб (ибтидоий жамоа тузуми) жамиятнинг барча аъзоларига тегишли бўлган ҳокимият сиёсий мазмун касб этди, яъни у энг аввало имтиёзли ижтимоий гуруҳлар, синфлар манфаатига хизмат қила бошлади. Бинобарин, давлатнинг пайдо бўлиши ҳамиша оммавий ҳокимиятнинг мазмунини узгартириб, сиёсий ҳокимиятга айланиши билан боғлиқ.

“Давлат-сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлиб, муайян ҳудудда турли синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа манфаатларни амалга оширишга қумаклашади”³. Давлат кенг маъноли тушунча бўлиб, унинг моҳияти унинг фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Давлатни унинг фаолияти билан аралаштирмаслик керак. Давлат фаолияти унинг муайян воқелик сифатида намоён бўлишидир. Ҳар бир давлат у ёки бу жамиятда тутган урнига қараб уз моҳиятига эга бўлади. Давлатнинг моҳиятини аниқлашда шакл ва мазмун жиҳатига эътибор бериш зарур:

Ҳар қандай давлат-сиёсий ҳокимият Ташкилоти, бу масаланинг шаклий томони.

Давлат кимнинг манфаатларига хизмат қилади, бу масаланинг мазмун жиҳатидан.

Давлатнинг моҳиятини тушунишда 3 асосий назарий ёндошув мавжуд:

1) ижтимоий – бунда умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдорлар ва халқнинг узаро муносабатини тартибга солади;

2) синфий – бунда давлат синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий қураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли;

3) сиёсий – ҳуқуқий – бунда давлат жамиятнинг ва давлатнинг узининг ҳаётини ташкил этувчи ҳуқуқ манбаидир.

Давлатнинг моҳиятида учала ёндошувда ҳам муайян асос бор. Лекин, бир назарий қарашни, иккинчисидан устун қуйилганда янглишув (ҳукмронлик) бўлади.

² Аристотель Политика. 2-том.(С.А.Жебелев таржимаси.)

³ Шершеневич Г.Ф. Общая теория права М.1995 . 172-бет

Давлат – бутун мамлакат микёсидаги ҳокимиятнинг махсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига эга булган, барча учун мажбурий қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга булган ташкилотдир.

Давлат – бу бутун жамиятни бирлаштириб турувчи, бошқарувнинг ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг махсус аппаратига эга булган, шунингдек ҳуқуқ нормаларини яратишга қодир булган ҳокимиятнинг ҳудудий ташкилоти.

«Давлат-муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган халқдир; давлат-инсоннинг яшаш қоидаси шакли, кишилар уртасидаги психологик алоқа; давлат абсалют руҳнинг мужассами.» (Гегель).⁴

Давлат жамиятга, мамлакатга ва халққа алоқадор. У жамиятдан, халқдан ташқари яшамайди. Давлатга таъриф беришда унинг турлари ва шаклини эътиборга олиш лозим. Давлат бир неча минг йиллардан бери ривожланиб, ўзгариб келади.

Юртбошимиз И.А. Каримов таъбири билан айтганда, «ҳар бир давлат – бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосиласидир, унинг ўзига ҳос, ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир». Ўзбекистон учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини қамол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тула даражада руёбга чиқишига қумаклашади.

Давлат – бу бутун жамиятни бирлаштириб турувчи, унинг бир меъёрга ишлашини таъминлайдиган, жамият номидан иш қурадиган махсус бошқарув, мажбурлов аппаратига эга булган ташкилотдир.

Давлат жамиятнинг сиёсий тизимига қирувчи бошқа ташкилотлардан бир қатор ўзига ҳос белгилари билан фарқ қилади. Давлатнинг белгилари ҳақида турли талқинлар мавжуд. Ф.Энгельс ўзининг «Оила, ҳусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» деган асарида давлатнинг асосий белгилари сифатида аҳолининг ҳудудий бўлиниши, оммавий ҳокимият ҳамда солиқлар тизимининг ташкил этилишини қурсатиб ўтганди Шунингдек, Г.Ф.Шершеневич ҳам шунга ухшаш ўч белги:

А) одамларнинг бирлашуви;

Б) улар устидан ҳуқуқмронлик қилувчи ҳокимият;

В) шу ҳокимият таъсири доирасидаги «ҳудуд.»ни санаб ўтган.

Ҳозирги кунда давлатнинг умумий эътироф этилган қуйидаги асосий белгиларини қурсатиш мумкин:

1. Давлат ўз давлат чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамиятнинг, бутун аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади;

2. Ўзига ҳос оммавий ҳокимият – давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратининг, мажбурлаш аппаратининг борлиги;

3. Аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги (фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшаши).

⁴ Бобоев Х.Б, Одилқориев Х.Т. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслик Т-2000 й. 168 бет.

4. Давлат-суверен ҳокимиятнинг ягона сохибидир;
5. Давлат юридик кучга эга булган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирувчи қонунлар ва уларга асосланиб чиқариладиган ҳужжатларни қабул қилади;
6. Давлат-қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот посбони бўлишга махсус даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари (суд, прокуратура, ички ишлар органи ва бошқалар).га эга булган ягона ташкилот.
7. Фақат давлатгина уз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва ҳавфсизлигини таъминловчи қуролли қучлар ҳамда ҳавфсизлик органларига эга була олади.

Юқорида курсатиб утилган биргаликда олинган давлат белгиларининг жами жамият сиёсий тизимида давлатнинг алоҳида урни ва етакчи ролини тула изохлайди. Бунда албатта ҳар бир тарихий даврда, турлича ижтимоий-иқтисодий шароитларда давлатнинг бу белгилари ҳам ички мазмуни, ҳам ташқи қуриниши билан фарқ қилишини ҳисобга олиш зарур.

1.3. Давлат шакллари ва функциялари.

Давлат шакли деганда, давлатдаги сиёсий ҳокимиятни уюштиришнинг уч асосий белгилари тушунилади. Булар:

Бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усули

Бошқарув шакли-муайян давлатда ҳокимиятни уюштириш усулининг мажмуидир. Бу таърифни янада аниқлаштирсак, у олий давлат ҳокимиятини ташкил этиш, айни пайтда давлатнинг олий ва марказий идоралари, мазкур идоралар таркиби, ваколатлари, пайдо бўлиш тартиби, шунингдек, уларда халқнинг иштирок этиш даражаси, мазкур идоралар ваколатларининг муддатини назарда тутди. Инсониятга давлат бошқарувининг азалдан маълум булган:

а) Республика–лотинча суздан олинган бўлиб, (жамоа иши) шаклида давлат ҳокимиятини аҳолии муайян муддатга сайлаб қуядиган идоралар амалга оширади. Янги даврда республиканинг парламентар ва президентлик турлари пайдо булган.

б) Монархия – юнончадан олинган бўлиб, (монос-бир, архе-ҳокимият), «яккаҳокимлик»; «яккаҳуқумронлик»⁵ каби маъноларни англатади.

Монархия – чекланган, яъни конституциявий (дуалистик ва парламент) монархия ва чекланмаган (мутлак) монархия бўлиши мумкин. Қадимги Юнон файласуфи Арастуниг фикрича, «олий ҳокимият якка шахс томонидан амалга оширилганда монархия, чекланган шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилганда республика, барча халқ томонидан амалга оширилганда демократия бўлади»

Тузилиш шакли: Давлат тузилиши давлат шаклининг муҳим бир туридир. Давлат тузилиши шу давлат олида турган вазифалар ва мақсадлар билан белгиланади. Унга уч нарсга таъсир этади:

⁵ Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т... Адолат .. 2001 й 154-бет.

1).муайян даврда жамият ва давлат олдида турган иктисодий вазифалар ва сиёсий мақсадлар;

2).давлатдаги миллатларнинг сони ва узаро муносабатлари;

3).давлат ҳудудининг катта кичиклиги.

Давлат тузилиши-давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, унинг булаклари, марказий органлари, бу органларнинг жойлардаги маҳаллий органлари билан узаро алоқаларининг хусусиятларидан иборат.

Миллий давлат тузилиши-давлатнинг тузилиши, унинг маъмурий – ҳудудий булиниши, давлат билан унинг таркибий қисмлари уртасидаги узаро муносабатлар, давлат ва унинг таркибий қисмларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг ваколатларидан иборат.

Давлат тузилиши:

а) оддий – унитар; (французча – unitaire-ягона, дегани)давлат оддий ва яхлит давлатдир. Марказий ҳокимият маҳаллий идоралари устидан назоратнинг қай турини амалга оширишига қараб унитар давлатлар марказлашган ва марказлашмаган турларга бўлинади.

б) мураккаб – федератив (лотинча-feodus-иттифик дегани) давлат бўлиб, унинг субъектлари давлат мустақиллигига эга бўлади. Федерацияларнинг икки тури иттифок ва автономия мавжуд.

Конфедератив-давлатнинг муайян иттифоқи бўлиб, иктисодий, сиёсий, ҳарбий мақсадлар учун шартнома ва битим асосида тузилади.

Миллий давлат тузилиши маълум принциплар асосида амалга оширилади:

-миллатларнинг суверенлиги ва тенг ҳуқуқлилиги;

-миллат ва элатларнинг эркин, озод ривожланиши;

-байналминаллик, миллатларнинг ҳамкорлиги, дустлигини таъминлаш.

Бу принциплар ҳар бир миллий давлат тузилишига асос бўлиши керак.

Сиёсий идора усули:

Сиёсий режим тушунчасини кенг маънода талқин қилганда, жамиятнинг умуман сиёсий ҳаёти ва сиёсий тизими ҳодисалари сиёсий режимга тааллуқлилигини билдиради.

Сиёсий режимни тор маънода тушуниш эса уни фақат давлат ҳаёти ва давлат билан чеклаб қўяди. Сиёсий режимни бу маънода тушуниш давлат шаклининг бошқа икки элементи-бошқариш шакли ва давлат тузилиши билан узвий боғлиқдир.

Сиёсий режим қуйидагича:

а) демократик;

б) гайридемократик бўлиши мумкин.

Давлат функциялари- давлатнинг муайян умуминсоний ва синфий моҳияти ҳамда ижтимоий макомидан келиб чиқадиган мақсадларга эришиш учун, унинг олдида турган вазифаларни амалга оширишга оид фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Давлат функциялари:

а) фаолият соҳалари бўйича (ташки ва ички);

б) амал қилиш давомийлиги бўйича (доимий ва муваккат);

в) ижтимоий аҳамиятига қўра (умумий ва алоҳида);

г) амалга оширишнинг ҳукукий шакллари буйича (ҳукук ижодкорлиги, бошқарув, судлов) бўлади.

Давлат функцияларининг асосий хусусиятлари қуйидагилар билан белгиланади:

-функциялар давлатнинг моҳияти ва ижтимоий мақоми билан бевосита боғлиқ.

-улар узгарувчан табиатга эга, давлатнинг шаклланиши, мустаҳкамланиши ва ривожлантирилишига йўналтирилган.

1.4. Ҳукук, унинг белгилари ва вазифаси.

«**Ҳукук**» ибораси кундалик ҳаётимизда қўлланадиган тушунча бўлиб, «хак», «хакикат» сузларидан олинган. Ҳозирги кунда ҳукук қуйидаги маъноларда қўлланади:

Биринчидан, муайян жисмоний ёки юридик шахснинг ҳукуки.

Иккинчидан, ҳукук ҳамма учун мажбурий бўлган, давлат томонидан урнатиладиган ва бажарилиши таъминладиган, муҳофаза қилинадиган қоидалар, меъёрлар мажмуидир.

Учинчидан, ҳукук ижтимоий фан соҳаларидан бирининг номи бўлиб, давлат ва ҳукук ҳақидаги илмларни узида мужассамлаштиради.

Афлотун ва Арасту фанга сийсий ҳукук тушунчасини киритган ва уни табиий ҳамда шартли ҳукукларга ажратган.

«Сийсий ҳукук-табиий ҳукук ва шартли ҳукук қисмларидан иборат.

Табиий ҳукук тан олиш ёки тан олмасликдан қатъи назар ҳамма жойда бир хил аҳамиятга эга бўлган қоидалардир.

Шартли ҳукук-инсонлар томонидан уларнинг хоҳиш-иродасига қўра урнатиладиган қоидалар мажмуидир.

Қадимги Рим мутафаккирлари ҳукукни яхшилик, ҳалол яшаш, ҳар қимга узига муносибини бериш, узгларга зарар етказмаслик, эзгулик ва адолат санъатидир, деб таърифлайди.

Шарқ мутафаккири, қомусий олим Абу Носр ал-Фаробий ҳукукни фозил одамларнинг ҳақиқий бахтга эришиш воситаси деб тушунган. Ҳукук, унинг фикрича, мамлакатда тинчликни таъминлаш, ҳавфсизликни таъмин этиш, таракқиётга шарт-шароит яратиш, ижодий меҳнатга имкон яратиш воситасидир. Ҳукук—эҳтиросларни жиловлаш воситасидир. Ҳукук—инсонни асраш, авайлаш қуролидир.

Ҳукук ҳақида юридик адабиётларда турлича таъриф берилган:

«Ҳукук - бу давлат томонидан урнатиладиган ёки маъқулладиган ва қўриқладиган, ҳамма учун мажбурий бўлган яшаш қоидаларидир. Ҳукук ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи регулятордир»⁶

«Ҳукук-давлат томонидан белгиланган ёки рухсат этилган ва унинг қўли билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий ҳуқ-атвор қоидалари тизими»⁷дир.

Ҳукукни замон талаблари асосида тугри тушуниш амалий фаолият учун гоят муҳим ва зарурдир. Шу боис ҳуқуққа давлат арбоблари ҳам қатта эътибор

⁶ «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» А.Аъзамхўжаев ва Ш.Уразаев таҳрири остида Т., 255–бет

⁷ Тожиҳанов У, Саидов А «Давлат ва ҳуқуқ асослари» Уқув қўлланма Т.. 1999 й 40-бет.

бериб, уни тушунишга уз муносабатларини ифодалайдилар. Хусусан, Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳуқуққа шундай таъриф берган: «Ҳуқуқ ижтимоий ҳамжихатлик ва келишувга асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш, эркинлик, адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси»⁸дир

Ҳуқуқ пайдо булишининг асосий белгиларини А.Саидов билан У.Тожиҳанов «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслигида қуйидагича курсатган:

Ҳуқуқнинг биринчи белгиси-унинг ижтимоийлигидир.

Ҳуқуқнинг иккинчи белгиси-унинг норматив хусусиятга эгалигидир.

Ҳуқуқнинг учинчи белгиси-унинг мажбурийлигидир.

Ҳуқуқнинг туртинчи белгиси-унинг расмийлигидир.

Ҳуқуқнинг бешинчи белгиси-унинг муайян жараён эканлигидир.

Ҳуқуқнинг илтинчи белгиси-унинг шахсийлаштирилмаганлигидир.

Ҳуқуқнинг еттинчи белгиси-унинг институциявийлигидир.

Ҳуқуқнинг саккизинчи белгиси-унинг объективлигидир.⁹

Ҳуқуқий адабиётларда унинг бошқа белгилари ҳам курсатилган. Масалан: Х.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориевлар «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» дарслигида ҳуқуқ тушунчасини ташкил этувчи қуйидаги асосий белгиларни курсатишган:

1.Ҳуқуқнинг барча учун мажбурийлиги;

2.Ҳуқуқнинг қонун ва бошқа аниқ шаклларда ифодаланган булиши;

3.Ҳуқуқнинг давлат томонидан урнатилиши, муҳофаза қилиниши;

4.Ҳуқуқнинг ижтимоий тартиб-интизом, эркинлик, адолатпарварлик, тенгликни таъминлаш воситаси эканлиги;

5.Ҳуқуқнинг субъектив ва объектив ҳуқуқларга булиниши ва субъектив ҳуқуқлар орқали ҳаракат қилиши;

6.Ҳуқуқ эҳтиросларни жиловлаш воситаси эканлиги.¹⁰

Мазкур белгиларнинг мажмуи ҳуқуқ ҳақида туларок тушунчага эга булиш имконини беради.

Ҳуқуқнинг моҳиятига келсак, ҳуқуқнинг инсоният учун хизмат қилиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳуқуқнинг моҳиятини аниқлаш учун унинг қимга хизмат қилишини, қимнинг иродасини ифодалашини аниқлаш зарур.

Ҳуқуқ функциялари-ижтимоий муносабатларга юридик таъсир этишининг асосий йуналишлари булиб, уларнинг мазмуни ҳуқуқнинг моҳияти ва жамият ҳаётидаги ижтимоий вазифаси билан белгиланади.

Ҳуқуқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Биринчидан, ҳуқуқ нормал ташкилий-меҳнатни, жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини, нормал иқтисодий ахборот ишлаб чиқаришни, маҳсулот истеъмоли ва айрбошлашни тартибга солиш функциясини бажаради.

Иккинчидан, ҳуқуқ давлат тузимини, жамиятнинг ижтимоий тузилишини, иқтисодий ҳаётнинг ташкил этилишини, маълум социал

⁸ Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари Т.. «Ўзбекистон», 26-бет.

⁹ А.Саидов, У Тожиҳанов «Давлат ва ҳуқуқ назарияси». Т..Адолат. 2001. 97-100-бетлар.

¹⁰ Х.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориев. «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» ТДЮИ.2000й 203-бет.

гурухларнинг ҳукмронлигини, мафкура асосларини, дехкон жамоаларининг, жамиятнинг бошка аъзоларининг ҳаёти, эркинлиги, мулкани куриклаш функциясини бажаради.

Учинчидан, ҳукук жамиятдаги карама-каршиликларни ва бошка ижтимоий зиддиятларни юмшатади. Бу унинг гуманистик функциясидир.

Туртинчидан, ҳукук бир катор зарурий принципларни ва юриш-туриш коидаларини, рухий ва ахлоқ коидаларини ижтимоий онгга сингдиради. Бу унинг мафкуравий функциясидир.

Бешинчидан, ҳукук ёш авлодни, жамиятнинг ҳаётий максадларини, ижтимоий ҳаёт идеалларини, ахлокий ва ҳукукий кадрийатларни узлаштиришга тайёрлайди. Бу унинг тарбиявий функциясидир.

1.5. Ҳукукий давлат тушунчаси.

Ҳукукий давлат – ҳукукнинг ҳукмронлиги ва конуннинг устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг булиниши, суднинг мустакиллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланадиган, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар иши самарали бўлган ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлатдир. Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги бир катор асосий белгилари мавжуд:

1. Ҳуқуқнинг ҳуқумронлиги;

2. Конституция ва конун устунлиги.

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш.

4. Давлат ва фуқароларнинг узаро маъсулияти.

5. Ҳокимият ваколатларининг булиниши.

6. Суднинг мустакиллиги.

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали ишлаши.

8. Ҳуқуқий маданиятнинг юксак даражаси.

9. Демократиянинг ривожланиши ва такомиллашуви.

Жамиятда ҳуқуқий давлатнинг роли қуйидагиларда ифодаланади:

1. Жамиятда фаолият курсатувчи демократик институтларнинг ривожланиши ва барқарорлигини рағбатлантира оладиган ҳуқуқий ҳужжат чиқариш ва жорий этиш.

2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига доир амалий чоралар қабул қилиш.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи мансабдор шахсларни тегишли шаклда ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Жамият ҳаётида ҳуқуқий давлат қуйидагиларни таъминлайди:

- давлат механизмнинг барча бугинлари аниқ ва бир маромда ишлашини;

- ҳуқуқий давлат органлари фаолиятида ҳуқуқий ижодкорлик ва ҳуқуқни қўллашнинг самарадорлиги;

- ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципларини турмушга жорий этишни;

- давлат – ҳуқуқий ва сиёсий институтларни барқарорлигини;

- эркин бозор иктисодиётини.

Хукукий давлат баркарорлигининг хукукий асоси – жамиятда фукароларнинг иродасига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлигига асосланган қонунийлик ва хукукий тартибнинг мустаҳкамлигидир.

Хукукий давлат баркарорлигининг сиёсий асоси – сиёсий плюрализмга асосланган демократик сиёсий тизимнинг мавжудлиги ва баркарор фаолият курсатишидир.

Хукукий давлат баркарорлигининг ижтимоий асоси – аҳолининг давлат томонидан тенг ҳимояланишида қуринади.

Хукукий давлат баркарорлигининг иктисодий асоси – эркин тадбиркорликка ва хилма-хил мулк шакллари ривожлантиришга қаратилган бозор муносабатларининг мавжудлигидир.

Инсонпарвар хукукий давлатнинг белгилари:

1. Конституция ва қонуннинг устуворлиги.
2. Давлат ҳокимияти тизимининг тақсимланиш принципи.
3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш ва уларни ҳимояланиши.
4. Олий қадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш шарт-шароитларнинг яратилиши.
5. Демократлилик.
6. Сиёсий ва хукукий маданият даражасини юксалиши.
7. Адолатли фуқаролик жамиятини яратилиши.
8. Суд – хукукий ислохотларининг утқазилиши.
9. Суднинг мустақиллиги.
10. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш ва хукукий давлат тизимини яратиш мақсадида қонунларни чиқариш ва такомиллаштириш.

Юртбошимиз И.А. Каримов таъбири билан айтганда хукукий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашидир.

1.5 Давлат ҳокимиятини амалга ошириш механизми

Давлатга уз ҳокимиятини амалга ошириш имконини берувчи ташкилий-моддий қуч давлат механизмидир. Механизм давлатнинг нимдан ташкил топганлигини курсатувчи таркибий ва предметли ифодасидир. Механизм давлатнинг доимий амал қилиши, фаолиятининг ифодачисидир.

Давлат механизми – давлат ҳокимиятини амалга оширадиган, жамиятга давлат раҳбарлигини таъминловчи давлат ташкилотлари тизимидир.

Юқоридаги таъриф давлат механизмига ҳос бўлган қуйидаги хусусиятларни белгилаб олиш имкониятини беради.

Яқин ўтмишда давлатнинг вазифаси беистисно уюшган зуравонликдан иборат деб қоралар, лекин уни умумфаровонликни таъминлаш механизми сифатида ҳеч қимнинг ҳаёлига келмас эди.

1. давлат механизми бошқарув билан махсус шугулланувчи ишлардан иборат;

2. давлат механизми идоралар ва муассасаларнинг мураккаб тизимидан иборат;

3. давлат маҳкамасининг барча бугинлари фаолияти ташкилий ва молиявий воситалар билан мажбурий таъсир йули билан ҳам таъминланади;

4. давлат механизми уз фукароларининг конуний манфаатларини ва ҳукукларини ишончли тарзда қафолатлаш ва муҳофаза қилишга даъват этилган.

Давлат механизмнинг тузилиши ва унинг фаолияти объектив тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу эса, жамиятни давлат йули билан бошқаришнинг энг юксак объективлигини таъминлайди. Энг муҳим тамойиллардан бири ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилидир (конун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти).

Давлат маҳкамаси (аппарати) – давлат механизмнинг бир қисми бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун ҳокимият ваколатларига эга бўлган давлат органлари мажмуидан иборат.

Давлат механизми давлат маҳкамасидан ташқари давлат муассасалари ва давлат корхоналарини ҳам уз ичига олади.

Давлат маҳкамаси умумий шаклда органларнинг қуйидаги қуринишлари тарзида намоён бўлиши мумкин:

1. Конун чиқарувчи ҳокимият органлари.

2. Ижро этувчи ҳокимият органлари.

3. Суд ҳокимияти органлари.

4. Давлатнинг махсус органлари.

Давлат аппаратининг узига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1). У тегишли ходимларнинг мажбурий ижросига оид ҳукукий ҳужжатларни чиқара олади.

2). Ушбу ҳужжатларни бажаришни таъминлаш учун ишонтириш, мажбур этиш, тарбиялаш, рағбатлантириш каби тадбирларни қўллай олади.

3). Уларни жорий этиш устидан назоратни амалга оширади.

Давлат идораси-давлат аппаратининг таркибий бугини, нисбатан мустақил қисмидир. Давлат идоралари хилма-хилдир. Уларни турли мезонларга асосланиб бир қанча турларга бўлиш мумкин:

1). пайдо бўлишнинг манбаига қўра-бирламчи ва иккиламчи идоралар;

2). Худудий фаолиятининг доирасига қўра-республика, вилоят, маҳаллий узини-узи бошқариш идоралари;

3). ваколатларнинг табиатига қўра-умумий ваколат идоралари, махсус ваколат идоралари.

4). Ҳокимиятни амалга ошириш тартибига қўра –коллегиал ва яқка тартибдаги идоралар.

Фаолиятининг ташкилий-ҳукукий шакллари қўра давлат идоралари конун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи ва фармойиш берувчи идораларига бўлинади. Бу эса давлатнинг уз вазифаларини амалга ошириш ва катъий ва барқарорлигини, жамиятда конунчилик ва ҳуқуқ тартиботни, ҳукукий давлат принципларига эргашишни таъминлайди.

Давлат аппарати куйидаги белгилари билан давлатнинг бошқа ташкилотларидан ажралиб туради:

-давлат аппарати бошқарув билан шугулланувчи алохида фукаролар гурухидир.

-давлат аппарати давлат функцияларини бажаришга ваколатли булган узаро буйсиниш ёки келишиш асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир.

-давлат аппарати халк иродасини амалга ошириш, уз вазифасини бажариши учун зарур воситалар ва мажбурлаш курулларига эга органлардир.